

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№04 сонли

Тошкент вилояти.

"22" синий 2022 йил

“Тошкент вилояти Янгийул туман Хокимияти (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **У.Ялгашев** бир томондан ва МЧЖ **YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI** (кейинги ўринларда “пудратчи”)номидан Устав асосида иш юритувчи директор **А.Холмуминов** иккинчи томондан, бюджет Янгийул туман Ватан МФЙда жойлашган “Аёллар дафтари” рўйхатида турувчи фуқаролар Бузрикова Мухаббат, Эргашева Гулбахороларга қарашли яшаш хонадони жорий таъмирлаш (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан [xarid.uzex.uz](#) махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 148393) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти минақавий йўлларга буюрмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 17 сентябрдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар кўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўйлан шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргалиқда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошка ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса *пудратчига* жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул килиш ва молиялаштириш манбаи бўлган аёллар дафтари жамгармаси маблаглари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Буюртмачи* томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати **ҚҚСиз 18 000 000 (Ўн саккиз миллион)** сўмни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлашишлари қийматини кўпайтиришга енгид бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси холосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлик ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисад қилинса, ушбу маблағни мазкур обьектнинг айрим ҳажмлари бўйича курилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш харажатлари бўйича курилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини коплаш учун обьектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида буюртмачининг рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан обьектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофик топширади;

-*пудратчи* курилиш давомида смета хужжатларида хисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан курилиш қоидалари ва меъёrlарига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзолangan кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, курилиш материаллари, буюмлар вақtingчалик бинолардан бўшатади;

-курилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

4.4. *Пудратчи* дафтарда буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджетмаблағлари хисобидан шартнома тузилаётган обьект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) бериш ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишини хисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштириши амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичida *пудратчи* томонидан тақдим қилинган хисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган хужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
- 6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ХИСОБ КИТОБЛАР

- 7.1. *Буюртмачи* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблаги ўтказади.
- 7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблагининг ҳар ойда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз хисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* обьектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *буюртмачининг* вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, обьектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни *буюртмачи* томонидан мазкур обьект учун бириттирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни *буюртмачига* топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.6. Пудратчи ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиха, норматив техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи* *буюртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейингина ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар *Буюртмачининг* тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳакда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи *Буюртмачининг* кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар *буюртмачи* *пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблаглари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган обьект буюртмачи томонидан кабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мulk зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошкени, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўклиги, Пудратчидаги зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шахарсозлик нормалари, қоидалари ва тугалланган обьектларни ташкилотни олишга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш обьектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ маҳсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиши соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиши нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш обьектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказишга ихтисослашган, кўп ишллик тажрибага эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хуносаларини олиш талаб қилинади.

2).. Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган обьектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

3). Ички йўлларни жойларда фойдаланишга қабул қилиши юзасидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. Пудратчи ташкилот ишчи гурухига қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-курилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- 11.4. *Пудратчи* жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофик буюртмачигабуюртмачи томонидан белгиланган таркиба икки нусхада ижро хужжатларини беради. *Пудратчибуюртмачига* ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. *Пудратчи*:

барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофик барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларida кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар *пудратчи* томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари *пудратчи* ва *буюртмачининг* икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар *пудратчи* бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатларга асосан жавобгарлика тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. *Буюртмачи*:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *буюртмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. *Пудратчи*:

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-*буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирунганини ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буюртмачи* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлалиниши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. *Буюртмачи* *Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисобкитоблардан аниқланган камчиликлар натижасида *Буюртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳукуқига эга.

14.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини *буюртмачининг* ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

16.4. Буюртмачи билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартирishлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ БУЮРТМАЧИ

ПУДРАТЧИ

Янгийўл туман хокимияти

Ш.рашидов 6 уй

Л/с 305122860272597109602018001

ИНН 200 588 164 ИНН 201 122 919

МФО 00014

Тошкент шахар Марказий банк

Газна х/р 23402000300100001010

Директор

У. Ялгашев

юриз:



YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA
TA'MIRLASH XIZMATI» МЧЖ

Тошкент вил.Янгийул тум.Гулбахор ш.
х/р 20208000005154950001

ИНН 306959558

АТ «Халк банки»

МФО-00777

ОКОНХ: 81100. Тел.+998 99 771 07 70



Директор

А.Холмуминов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilqanligi to'q'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat revestrigiga

"YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI" Mas'uliyati cheklangan
jamiat

(Yuridik shaxsnинг – тадбиркорик субъектининг ташкитли буюгиги шакли көмүлгөн, балоғаттагы – мәдениеттеги)

"YANGIYO'L TUMAN QURII ISH-MONTA IVA TA'MIRIASH YIZMATI" MCh I

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (gayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

20.12.2019 792810 ro'yxat raqamli vozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana ny (so'z bilan) vily)

792810

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

Solig to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

306959558

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan ijamiyat

Joylashgan joyi

Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, Gulbahor, SH RASHIDOV, 2

Guyobnoma:

Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning lo'liq nomi):



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 148393 на приобретение Янгийул туман Ватан МФЙда жойлашган "Аёллар дафтари" рўйхатида турувчи фуқаролар Бузрикова Мухаббат, Эргашева Гулбахороларга қарашли яшаш хонадони жорий

Способ проведения электронный

Дата 17.09.2022

Время рассмотрения 17.09.2022 12:31

Закупочная комиссия Янгийул туман хокимлиги аёллар дафтари жамгармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	NORMIRZAYEVA NILUFAR ANVARJANOVNA	аппарат ходими	Хокимият
Секретарь комиссии	OLIMJONOV ODILJON ORIBJON O'G'LI	Хужалик мудири	Хокимият
Член комиссии	ABDULLAYEV ABDUSALYAM ABDULLA O'G'LI	хоким уринбосари	Янгийул тумани хокимияти
Член комиссии	ABDURAXMANOVA GULBAXOR YELTAYEVNA	Бош хисобчи	Хокимият
Член комиссии	KAYUMOV MAJID MAXMUDJANOVICH	Аппарат ходими	Хокимият
Член комиссии	ABDURASULOV ERALİ PULATOVİCH	Хоким уринбосари	Хокимият

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.09.2022 года № лота 148393.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга текущему ремонту жилых зданий
Подробное описание	Услуга текущему ремонту жилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	10 613 425.00
Стартовая сумма	10 613 425.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга текущему ремонту жилых зданий
Подробное описание	Услуга текущему ремонту жилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	10 754 120.00
Стартовая сумма	10 754 120.00

Валюта	UZS
--------	-----

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ташкилот гувохномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Махмуд элбеги МЧЖ	25	Текстовое значение	25	Экспертная		
ООО YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI	25	Гувохнома	25	Экспертная		
MOVLUDA MUXSINA RIVOJLANISH МЧЖ	25	20000000	25	Экспертная		

Критерий №2 Ташкилот соликдан карздорлиги йуклиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Махмуд элбеги МЧЖ	25	Текстовое значение	25	Экспертная		
ООО YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI	25	Маълумот	25	Экспертная		
MOVLUDA MUXSINA RIVOJLANISH МЧЖ	25	20000000	5	Экспертная		

Критерий №3 Бажариладиган иш кафолати хамда нарх таклифи

Тип: Текстовое значение

Описание: буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Махмуд элбеги МЧЖ	25	Текстовое значение	25	Экспертная		
ООО YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI	25	Кафолат	25	Экспертная		
MOVLUDA MUXSINA RIVOJLANISH МЧЖ	25	20000000	5	Экспертная		

Критерий №4 Ташкилот ишчи ходимлари тугрисида мълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Махмуд элбеги МЧЖ	25	Текстовое значение	10	Экспертная		
ООО YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI	25	Ишчи ходимлар	20	Экспертная		
MOVLUDA MUXSINA RIVOJLANISH МЧЖ	25	20000000	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
Махмуд элбеги МЧЖ	21 367 545.00	18 000 000.00 UZS	18 000 000.00	00.00	18 000 000.00	15.09.2022 16:06:49	20
MOVLUDA MUXSINA RIVOJLANISH МЧЖ	21 367 545.00	20 000 000.00 UZS	20 000 000.00	00.00	20 000 000.00	15.09.2022 17:05:03	18
ООО YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI	21 367 545.00	18 000 000.00 UZS	18 000 000.00	00.00	18 000 000.00	15.09.2022 16:49:02	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
Махмуд элбеги МЧЖ	68	20	88
MOVLUDA MUXSINA RIVOJLANISH МЧЖ	32	18	50
ООО YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI	76	20	96

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 148393 от 17.09.2022 года на приобретение Янгийул туман Ватан МФИда жойлашган "Аёллар дафтары" рўйхатида турувчи фуқаролар Бузрикова Мухаббат, Эргашева Гулбахороларга қарашли яшаш хонадони жорий определила победителем:

ООО YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI
306959558

и резервный исполнитель: Махмуд элбеги МЧЖ (306461349)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	NORMIRZAYEVA NILUFAR ANVARJANOVNA	Согласен	
Член комиссии	ABDULLAYEV ABDUSALYAM ABDULLA O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ABDURAXMANOVA GULBAXOR YELTAYEVNA	Согласен	
Член комиссии	KAYUMOV MAJID MAXMUDJANOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDURASULOV ERALI PULATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Янгийул туман хоким ўринбосари

Н.Нормирзаева

БАЁННОМА № 9

Янгийул тумани

"22" сентябрь 2022 йил

Раислик қилувчи:

Янгийул туман хоким ўринбосари

Н.Нормирзаева

Қатнашчилар:

комиссия аъзолари

КУН ТАРТИБИ


Янгийул туманида жойлашган "Аёллар дафтари" руйхатида турувчи
фуқароларга қарашли яшаш
хонадонини жорий таъмирлаш буйича

2022 йил 17 сентябрдаги Давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган "Янгийул туман хокимиятининг" баённомасига асосан эълон якунига кўра, комиссия аъзолари томонидан ООО "YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI" "ташкилоти ғолиб деб топилганлигини инобатта олиб;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги УРК, 684-сон Конуннинг 62-моддаси З-бандига асосан баённома Давлат харидлари электрон тизимида мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

баённомасига асосан ООО "YANGIYO'L TUMAN QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH XIZMATI" ташкилоти ғолиб деб топилганлигини инобатта олиб, ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари:



Э.Абдурасолов

А.Абдуллаев

М.Каюмов

Г.Абдурахмонова

О.Олимжонов